

АПРЕЛЬ
ЕР САЙЁРАСИ-УМУМИЙ УЙИМИЗ

Гуруҳ		Ўрта					
Мавзу		Шаҳарга ғамхўр муносабат					
Муддати		Апрелнинг 4-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шаклланиши	Арконни ҳалқага киритиш, галма-гал ўнг ва чап томонга айланиш, ўнг ва чап қўллари билан коптокни галма-гал ерга уриш малакаларини ривожлантириш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўзи ҳақида гапириш (исми, фамилияси, отасининг исми ва ҳ.к), дўст танлаш ва у билан мулоқатга кириш малакаларини ривожлантириш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Таълимий ўйинларни ўйнаш, нутқда турли имо-ишоралар ва мимикадан фойдаланишга ўргатиш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Предметлар тайёрланган материалларини ажратиб олиш, йил фасллариининг таснифини билишг, миқдорий алоқаларни ўрнатишни ўргатиш.					
	Ижодий ривожланиш	Ритмик ҳаракатларни ривожлантириш, қирқиш ва елимлаш технологиясига амал қилишга ўргатиш.					
Эркин фаолият	Ривожланиш марказлари	Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
	Қуриш, ясаш ва математика	Дўстларга ёрдам берамиз		Математика: Ғаройиб саёҳат			Лего, кубик, таълимий ўйин.
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Ҳайвонот боғи					Автобус учун ўриндиклар, руль, ҳайвонот боғи учун чипталар, касса, ҳайвонлар ўйинчоқлари.
	Тил ва нутқ	Ҳайвонот оламида					Мавзули расмлар
	Фан ва табиат	Гуллаётган мевали дарахтни кузатиш.					Мавзу бўйича расмлар; ечиладиган таълимий дарахт.
	Санъат	Лой иши: Биз далада сайр қиламиз	Аппликация: Мен яхши кўрган – тебранма кўғирчоқ		Расм чизиш: Нурли куёш		Намуна, конселиярия жиҳозлари.
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

АПРЕЛЬ. ТҮРТИНЧИ ҲАФТА ШАҲАРГА ҒАМХҶҮР МУНОСАБАТ

Куриш, яшаш ва математика маркази

Дўстларга ёрдам берамиз

Мақсад: болалар конструктив малакаларни эгаллаган, турли деталларнинг шакли, ранги, макондаги жойи ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш материаллари тўплами, турли катталиқдаги кўғирчоқлар ва ўйинчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Нимани қуришни истар эдингиз?” мавзусида суҳбат.
2. Гимнастика машқ: Биз санашни биламиз.
3. Ривожлантирувчи ўйин: Қулфнинг калитини топ.
4. Гоя асосида яшаш.
5. Қурилмалар ва майда ўйинчоқлар билан ўйнаш.

Қўшимча: ёрдамга келиш кўникмасини, дўстона муносабатларни тарбиялаш.

Эътиборга молик жиҳати: конструкцияни яратиш пайтида ҳаракатлар изчиллигига эришиш.

Куриш, яшаш ва математика маркази

Математика: Ғаройиб саёҳат

Мақсад: болалар “бир хил”, “тенг”, “шунча” сўзларидан фойдаланиб бир хил миқдордаги предметларни топа оладилар, “қанча?” сўроғининг маъносини тушунадилар, таққослаш малакалари шаклланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: магнит доска, рангли доиралар, капалаклар, гуллар, ҳар бир бола учун санок материаллари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Машқ бажариш: Кайфият улашинг.
2. “Қувноқ майсазор” магнит доскада ишлаш.
3. “Манзарани ярат” машқи.
4. Берилган вазифа асосида мустақил иш.
5. “Бир сўз билан номла” таълимий ўйини.

Қўшимча: “Домино”, “Лото” ўйинлари.

Эътиборга молик жиҳати: кўриб тушина олиш лаёқати, мантикий фикрлашга эришиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Ҳайвонот боғи” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар ердаги жонзотлар учун ҳаво ва сув муҳимлигини тушунадилар. Ўйин сюжетида кўра турли ролларни ижро этадилар, ўйинда ашёлардан фойдаланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: автобус ўриндиқлари, руль, ҳайвонот боғи учун чипта, касса, ўйинчоқ-ҳайвончалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳайвонлар ҳақида суҳбат.
2. “Ҳайвонлар” таълимий ўйини (ҳайвонларни уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонларга ажратиш).
3. Топишмоқлар айтиш.

4. Болалар ўртасида ролларни тақсимлаш ва ижро этиш.

5. Ўйин жараёнини уюштириш.

Қўшимча: видео роликларни, мультипликацион фильмларни томоша қилиш

Эътиборга молик жиҳати: дўстона муносабатларни, дўстлари манфаатлари ва фикрлари билан ҳисоблашиш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кўникмасини тарбиялаш.

Тил ва нутқ маркази

Ҳайвонот оламида

Мақсад: болалар ёввойи ҳайвонлар, уларнинг турмуш тарзи, овқатланиши ва яшаш жойи ҳақида тушунчага эга. Гапларида от, сифат ва феъллардан фойдаланадилар, сўзларни бирлик ва кўplikда қўлланилишини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ёввойи ҳайвонларнинг контурли расмлари; ёввойи ҳайвонларнинг яшаш жойлари, уларнинг озиқланиши акс эттирилган расмлар; ёввойи ҳайвонлар тасвирланган расмлар: “Ўрмонда”.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид расмларни томоша қилиш.
2. Болаларнинг “Ёввойи ҳайвонлар яшаш жойлари” расми бўйича ҳикояси.
3. Ўйин: “Сеҳрли телевизор”
4. Ёввойи ҳайвонлар ҳақида топишмоқлар айтиш.
5. “Битта ва кўп” машқи.
6. Тасвирий ҳикоялар тузиш.

Қўшимча: қалам билан тўғри ва қия чизиқлар чизиб, уларни мазмунига кўра бирлаштиришга ўргатиш.

Эътиборга молик жиҳати: боғланган нутқни ва ёввойи ҳайвонлар ҳақида ҳикоя тузиш кўникмаларини ривожлантириш.

Фан ва табиат маркази

Гуллаётган мевали дарахтни кузатиш

Мақсад: болалар мевали дарахтлар баҳорда ўзгаришини (баҳор фаслидаги кўриниши – куртаклар, гуллар, ўсимлик қисмлари) биладилар. Об-ҳаводаги мавсумий ўзгаришлардан хабардор (қуёш нури, иссиқлик, намлик), булар ўсимликлар ҳолатининг ўзгаришига (ўсиши, гуллашига) олиб келади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзуга оид расмлар, расми олинадиган таълимий дарахт.

Фаолиятнинг бориши:

1. Баҳор ҳақида суҳбат.
2. И. Токмакованинг “Олма дарахти” шеъри.
Менинг боғимда
Олма гуллади.
Оппоқ гулларга
Тўла бурканди.
Менинг кўйлагим
Гулингдек оппоқ.
Кел эй, олмажон,
Булайлик ўртоқ.
3. “Асални йиғ” ўйини – имитация.

4. “Бу япроқ қайси дарахтдан?” таълимий ўйини.

5. «Ғаройб дарахт» таълимий ўйини.

Қўшимча: болаларни манзарали дарахтлар билан таништириш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни мевали ва манзарали дарахтлар, ўсимликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш.

Санъат маркази

Лой иши: Биз далада сайр қиламиз

Мақсад: болалар одамлар ҳайкалчаларини ясай оладилар, бунда ёйиш, эзиш, ёпиштириш усулларида фойдаланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: боғда сайр қилаётган болалар расмлари, лой ёки пластилин, тахтачалар, тўрлар, чизмалар билан ишлаш, копток.

Фаолиятнинг бориши:

1. Йил фасллари ҳақида топишмоқ.
2. “Бу қандай содир бўлади?” таълимий ўйини.
3. “Мен сенга, сен менга” таълимий ўйини.
4. Чизмалар билан ишлаш.
5. Болаларнинг мустақил ишлари.
6. Болалар ишлари кўргазмаси ва таҳлили.

Қўшимча: эрта баҳорда болалар боғчасидаги майдончани кузатиш. Бадий адабиётни ўқиш, шеърларни ёдлаш.

Эътиборга молик жиҳати: чизма асосида ишлай олиш, нутқнинг тўғрилигига, аҳил ва биргаликда ишлашга эришиш.

Санъат маркази

Аппликация: Мен яхши кўрган тебранма қўғирчоқ

Мақсад: болалар думалоқ шакллардан тасвир ярата оладилар, тасвирни варақ марказида жойлаштира оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қўғирчоқ, қайчи, турли ўлчамли квадратлар, елим, мўйқаламлар, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйинчоқлар ҳақида суҳбат.
2. “Менинг бармоқларим” бармоқлар ўйини.
3. Квадрат шаклларида доира шаклини қирқиб олиш.
4. Турли ўлчамли доираларни оқ қоғозга тўғри кетма-кетликда жойлаштириш ва елимлаш.
5. Болалар ишлари кўргазмаси ва таҳлили.

Қўшимча: “Ўйинчоқни топ” таълимий ўйини, “Менинг ўйинчоғим” шеъри.

Эътиборга молик жиҳати: қайчи билан тўғри ишлай олиши, елимдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиб, деталларга суриш малакаларининг шаклланишига эришиш, тоза ишлаш.

Санъат маркази

Расм : Нурли қуёш

Мақсад: композицион жойлашган тасвирларни акс эттирадилар: доира ва унга бириктирилувчи тўғри чизиклар, юзда мавжуд қисмларни қўшадилар (кўз ва оғиз ясаш).

Ранг ва кайфиятни кўрсата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қўғирчоқ, қуёш иллюстрацияси, А-4 ҳажмли варақ, бўёқлар, мўйқаламлар, сувли стаканлар, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сюрприз дақиқа.
2. Топишмоқларни айтиш (қуёш).
3. “Кайфият” таълимий ўйини.
4. Иш намунасини кўриб чиқиш.
4. Болаларнинг мустақил ишлари.
5. Болалар ишлари кўргазмаси ва таҳлили.

Қўшимча: қуёш ҳақида суҳбат, китоблардаги қуёш тасвирини томоша қилиш, сайр пайтида қуёшни томоша қилиш, “Қуёшча” шеърини ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: луғатни жонлантириш, бўёқлар билан тўғри ишлай олиш, тасвирни қоғоз марказида жойлаштириш, ишни бажариш пайтида тенгдошлари билан дўстона муносабатда бўлиш.